

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат педагогика
институтини Харид комиссия
раиси

Ф.Ишпулатов

“19” *Термиз* 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Термиз – 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома.

II. Техник қисм.

III. Нархлар қисми

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1. Танлов предмети: Термиз давлат педагогика институтига 20 Квт/380В/50Hz қайта тикланувчи электр станциясини сотиб олиш бўйича.

1.2. Танлов қиймати 220 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Маҳсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида келтирилган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.5 Маҳсулотни олиб келиш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Термиз давлат педагогика институтини (бундан кейин ”Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Термиз шаҳар, И.Каримов кўчаси, 288 “Б”-уй. E-mail: info@terdupi.uz

2.2. Танлов “Буюрмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАҢЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлов предмети қийматининг камида 30 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлар;

- Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (70 % фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағлар миқдори.

Молиявий натижалар;

Ишчи ходимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАҢЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

* Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

* Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларини яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир varaғини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳуқуқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириш мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1. Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот узайтирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгатишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат педагогика
институтини Харид комиссия
раиси

Ф.Ишпулатов

“29” Октябр 2022 йил

ТЕХНИК ВАЗИФА ВА ШАРТЛАР

Термиз давлат педагогика институтини биносига 20 Квт/380В/50Hz қайта тикланувчи электр станциясини сотиб олиш бўйича КОНКУРСЛАРНИНГ МАЪЛУМОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов (конкурс) мавзуларига оид аниқ қоидаларни ва танлов хужжатларининг бошқа бўлимларида келтирилган маълумотлардан ёки талабларини ўз ичига олади

№	Бўлим номи	Бўлимлар учун тушинтиришлар
1	Буюртмачи	Термиз давлат педагогика институтини
2	Танлов мавзуси ёки номи	20 Квт/380В/50Hz қайта тикланувчи электр станциясини сотиб олиш.
3	Конкурс тартиб рақами	№2
4	Буюртмачи манзили	Ўзбекистон Республикаси Сўрхондарё вилояти Термиз шаҳар И.Каримов кўчаси 288 “Б” уй
5	Алоқа учун шахс	Термиз давлат педагогика институтини +998 91 901-93-91
6	Танлов эълони эълон қилинган жой	Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржасини https://etender.uzex.uz/
7	Иштирокчилар танловда иштирок этишларига рухсат этилади	Юридик шахслар бирлашмалари (консорциумов) танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди.
8	Товар (иш, хизматларнинг) нархи	220 000 000 (икки юз йигирма миллион) сўм.
9	Танлов ўтказиладиган жой манзили:	Ўзбекистон Республикаси Сўрхондарё вилояти Термиз шаҳар И.Каримов кўчаси 288 “Б” уй
		-Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан рўйхатдан ўтган бўлиши шарт. -Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга бўлиш шарт

10	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:	<p>-Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги:</p> <p>-Уларга нисбатан банкротлик таомили бўйича маълумотлар</p> <p>-Нохалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги.</p> <p>-Иштирокчилар ишларни, товарларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби объектлар ҳужжатларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.</p> <p>-Техник вазифада келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши шарт.</p> <p>-товарлар шартномада келтирилган вақтдан кечиктирмаган сифатли ҳолатда буюртмачига етказиб берилиши шарт.</p> <p>- Махсулотга расмий ишлаб чиқарувчининг сертификати мавжудлиги.</p> <p>- Махсулотнинг техник параметрлари ва ишлаб чиқарувчиси курсатилиши керак.</p> <p>- Танлов иштирокчисининг омборида махсулот мавжудлиги.</p> <p>-Танлов иштирокчисининг моддий таъминланганлиги (Танловнинг бошланғич суммасининг камида 30% маблағига эга бўлиши) ва йиллик маблағ айланмаси.</p> <p>-Танлов иштирокчиси томонидан махсулотларга кафолат бериш ва унинг муддати.</p>
11	Танлов бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Эълон жойлаштирилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ва 2 кун муҳокамада туриши шарт
12	Танлов вазифаларини расмийлаштиришга доир талаблар:	<p>-Танлов таклифларини расмийлаштиришда танлов иштирокчиси ўз таклифини муҳрланган тўлиқ илова қилиши шарт</p> <p>-Берилган таклифда товар, иш ва хизматларга доир барча маълумотлар акс эттирилган бўлиши шарт.</p> <p>-Умумлаштирилган суммалар инобатга олинмайди.</p>
13	Шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тулов тартиби ҳақидаги ахборот:	<p>-Шартнома баҳоси ва ижрочи билан ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси сўмда амалга оширилади.</p> <p>-Ижрочи шартнома 2 томонлама имзоланиб олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 кунда товар (иш хизмат)ларни топшириши керак. (топшириш банк иш куни) Тулов тартиби:</p> <p>Олдиндан аванс (бўнак) 30% тўлов амалга оширилади.</p> <p>Товар (иш хизмат)лар тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 70% тўлов амалга оширилади.</p>

14	Танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги	Ўзбек тили (кирилл ёзуви)
15	Тендер таклифларини қабул қилиш	Таклифлар сайтда эълон қилинган кундан бошлаб электрон қабул қилинади.
16	Молиялаштириш манбаи:	<u>Тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан: 2022 йил харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.</u>

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Термиз давлат педагогика
институтини Харид комиссия раиси

Ф.Ишпулатов

“19” Октябрь 2022 йил

Термиз давлат педагогика институтини биносига 20 Квт/380В/50Hz қайта
тикланувчи электр станциясини сотиб олиш бўйича

УМУМИЙ ГРАФИГИ

№	Товар, Иш ва хизматлар номланиши	Ишларни бошланиш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1	Термиз давлат педагогика институтини биносига 20 Квт/380В/50Hz қайта тикланувчи электр станциясини сотиб олиш бўйича	Олдиндан тўлов амалга оширилган кун	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан сунг 30 кун

Термиз давлат педагогика институтини ТТЖ биносига 3 та 200 литрли
Қуёш сув иситгичлари сотиб олиш бўйича молиялаштириш умумий
графиги:

№	Тулов амалга ошириладиган ойлар	Тулов хажми % (фоиз)да
1	Олдиндан аванс (бўнак) 30% тўлов амалга оширилади.(олдиндан тулов)	30%
2	Товар (иш хизмат)лар тўлиқ хажмда бажарилгандан сунг 70% тўлов амалга оширилади. (бажарилган ишга караб)	70%

Коррупцияга қарши курашиш бўйича

АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Телеграм-канал ([«@anticorbot»](#));

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

Буюртмачи:

_____ / _____ /

_____ / _____ /